

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

"Мен англаган заёт
зақикатти"

Дунё инсон учун ке-
рак — одам унинг асл
моҳиятини тушуниб
олиш учун яратил-
ган, шу боис ҳам дунё
турибди.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

2019 йил 26 февраль

сешанба № 7 (1159)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/



ТЕСТ ТИЗИМИ:

МУКАММАЛАШМОҚДАМИ ЁКИ МУРАККАБЛАШМОҚДА?

АЙНИ кунларда Давлат тест маркази томонидан муҳокамага қўйилган "Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори лойиҳаси атрофида қизгин баҳс-мунозаралар авж олган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz)да қарийб 200 дан ортиқ шарҳ ва таклифлар, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидан ДТМ масъуллари иштирокида ўтказилган матбуот анжумани, ижтимоий тармоқлар ва матбуотдаги кўплаб чиқишлар мавзуси шу — тест тизимидаги қутилаётган ўзгаришлар билан боғлиқ.

Лойиҳанинг бундай фаол муҳокама қилиниши қувонарли ҳол: аввало муҳим қарорлар қабул қилишда халққа қўлоқ солиняпти. Қолаверса, халқ ҳам ўзи учун муҳим ҳужжатлар муҳокамасида фаол иштирок этмоқда.

Давлат органлари ва жамоатчилик ўр-тасидаги ушбу конструктив диалогга биз ҳам ўз фикрларимиз билан қўшилишни истадик. Қуйида лойиҳа ҳақида мулоҳа-заларимизни баён этамиз.

ҲУЖАТ ТОПШИРИШ ОСОНЛАШАДИМИ?

ДТМ лойиҳасида абитуриентлар ОТМларга Давлат хизматлари марказ-лари орқали ҳужжат топшириши кўзда тутилган. Яъни, абитуриент юзлаб километрларни босиб ўзи кирмоқчи бўлган таълим муассасасига келиб ўтирмайди,

ҳужжатни ўзига яқин ДХМда электрон тарзда топширади.

Бу тизим ўтган йили муваффақиятли синовдан ўтди: Тошкент давлат Юридик университетига абитуриентлар айнан Давлат хизматлари агентлиги орқали ҳуж-жат топширишди. Ҳеч муаммо бўлмади, ҳужжатлар йўқолмади, чалқашмади, ДХА вазифани муваффақиятли адо этди.

Бироқ бу йил тахминларга кўра 1 миллион 300 минг абитуриент ОТМлар-га ҳужжат топшириши кузатилмоқда. Давлат хизматлари марказлари бу ю-ни кўтара оладими? Бир ой нари бери-сида шунча абитуриентнинг ҳужжатини қабул қилиш учун ташкилий ва техник имкониятлар етарлими? Бу бошқа дав-лат хизматлари сифатида салбий таъсир ўтказмайдими?

Бу саволларга ҳозирча жавоб йўқ.

2-БЕТ ▶

САҲИФАЛАРДА:

Сайлов кодекси: сайлов-чи ва сайланувчининг ҳуқуқларини белгилайди

ХУҚУҚИЙ демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг энг муҳим бел-гиларидан бири бу — эркин, очиқ сайлов тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Сайловлар орқали фуқаролар бевосита давлат ва жамият бошқарувида иштирок этади. Шу боис, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи фуқаронинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқлари сирасига киради.

3-БЕТ

Етти йилдан сўнг оқланди

ЖИНОЯТ ишлари бўйича Фарғо-на вилоят судининг 2019 йил 24 январда бўлиб ўтган кассация суди мажлисида бундан 7 йил муқад-дам ноҳақ судланган, Ўзбекистон туманидаги 49-умумтаълим макта-би директори Рустамжон Ҳақимов оқланди.

5-БЕТ

Иш бор эди... Лекин "йўқ", деб жавоб беришган

ҲАЁТНИНГ ўз қонун-қоидалари, яхши-ёмон кунлари, баланду пастликлари, турли қийинчи-ликлари, турфа синовлари бор. Ёлғиз фарзандини ёлғиз тарбия-лаш тақдирида ёзилган Нафи-са Жумабоева ҳам ана шундай имтиҳонларга дуч келди.

7-БЕТ


Тўёна — порами? Ёки...

— Кечаги тўйда қанча тўёна бердин-гиз? — деб сўради банкир нефть базасининг директоридан. Банкир бош бармогини кўрсатди. Сўнг 1 та "кўки"дан, — деди. — Сиз-чи? — Мен ҳам 1 та, — деди нефть база-нинг директори. Сўнг икковлон ҳам жимиб қолишди.


7-БЕТ

Давоми. бошланиши 1-бетда

ТЕСТ ТИЗИМИ: мукаммалашмоқдами ёки мураккаблашмоқда?



ҲАММА ФАНЛАРНИ ЯХШИ ЎЗЛАШТИРИШ КЕРАК



ДТМ тест топшириладиган фанлар рўйхатини кенгайтириб, учта мажбурий фан қўшмоқда: она тили, математика, Ўзбекистон тарихи фанларини барча учун мажбурий қилиб қўймоқчи. Шунингдек, яна иккита ихтисослик фанларидан тест топширилади, деяпти. Яъни, жами 5 та фандан тест синовлари топшириш керак бўлаяпти.

Ушбу тартиб келаётган йилда эмас, ундан кейинги, яъни 2020 йилдан жорий этилади, дейилган.

ДТМ ўз позициясини қуйидагича изохламоқда:

“Олдинги ўқув йиллари қабули учун ўтказилган кириш тест синовлари таҳлилларига кўра, абитуриентлар умумтаълим фанларидан битта ёки иккита фанни чуқурроқ ўзлаштиришга ҳаракат қиладиган кўзатилади. Бу ҳолат абитуриентларнинг умумтаълим фанларига бўлган қизиқишининг пасайишига, уларнинг фикрлаш доирасини тораий боришига сабаб бўлмоқда.

2020/2021 ўқув йили қабулидан бошлаб:

тест фанлари мажмуаси икки бўлимга ажратилиб, 1-бўлимга барча тест топширувчи абитуриентлар учун мажбурий 3 та фан — она тили, математика ва Ўзбекистон тарихини киритиш таклиф этилмоқда. Мажбурий фанлар бўлимидаги тест топшириқлари соддалаштирилган бўлиб, абитуриентларнинг умумий саводхонлиги ва таянч билимларини баҳолашга йўналтирилади. Кириштирилган мазкур ўзгаришлар абитуриентларнинг мантқий фикрлаш даражасини ҳамда саводхонлигини оширишга хизмат қилади”.

Лойиҳада ушбу ўзгариш жуда қизгин муҳокама қилинаёпти. Кўпчилик нега айнан математика ва тарих деган саволларни бераёпти. Қолаверса, ихтисосликда, масалан, она тилидан имтиҳон топширадиган (олайлик, филология, ҳуқуқшунослик йўналишларига кирмоқчи бўлган) абитуриент мажбурий блокда ҳам она тилидан имтиҳон топшириши нақадар тўғри? Икки марта бир фандан тест ечиш нима учун керак?

Бу таклиф Россияда 2009 йилдан бери амал қилиб келаётган ва бугун самарасизлиги туфайли кўплаб танқидларга учраётган ЕҒЭ тизимини эсга солаёпти. ЕҒЭдаги саволларнинг содда ва кулгили экани, имтиҳон топширувчининг умумий дунёқарашини баҳолаш учун жорий қилинган тизим аслида унинг билимларини

бошланғич синф даражасидагина баҳолашга яраётгани айтилмоқда.

Чиндан ҳам, умумий билимлар даражасини қандай меъёр асосида баҳолашмоқчи? Олайлик, бўлажак тарихчи учун математикани қай даражада билиш лозим, деган саволга жавоб борми?


ДТМ ҳамма тизгинини қўлида ушлаб, барча синовларни ўзи ўтказишга уриниши тўғрими, деган яна бир савол бор. Масалан, ана шу умумий билимларни баҳолашни авторсинг асосида бошқа таълим ташкилотларига топширса бўлмайди?

Айтайлик, ўзбек тили бўйича ягона стандарт асосида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, тарих ва математика бўйича яна бошқа университетларга абитуриентларнинг билимларини баҳолашни ишониб топширса-чи? Абитуриент айнан ўша йил эмас, дейлик, бир йил аввал бу тестларни топширади, сертификатини олади, олий таълим муассасига киришга эса фақат ихтисослик фанларини топширади.

Ундан ҳам оддийроғи, мактаблардаги имтиҳонлар баҳоларини эътиборга олиб қўяолса-чи? Илгари аттестатдаги баҳоларга ҳам қараларди-ку.

Албатта, коррупция, деган сабаб борки, ДТМ ўзим синайман, Халқ таълими ёки бошқа муассасаларга ишонмайман, дейиши мумкин. Ўзи эса коррупцияга қарши курашнинг қуйидаги ечимини таклиф қилмоқда.

АДОЛАТ КЕРАКМИ? ПУЛИНИ ТЎЛАНГ!



Гарвард университетига кириш имтиҳонини топшириш — 81\$, Йель университетига — 80\$, Оксфордга — 60\$ ва ҳоказо. Япон университетларидан айримлари хорижлик абитуриентлардан кириш имтиҳонлари учун пул олади, Германияда эса кириш имтиҳонларини топшириш мутлақо бепул, ўқш ҳам (аммо абитуриент талаба бўлса, йилги 100-300 евро атрофида ташкилий харажатлар учун пул тўлайди).

Кўриб турганингиздек, дунёнинг етакчи университетларида кириш имтиҳонларини топшириш пуллик ҳолатлари ҳам, бепул ҳолатлари ҳам бор. Аммо булар дунёнинг бой мамлакатларидаги етакчи университетлар эканини, биз эса Ўзбекистон, деган мамлакатда шу ернинг ижтимоий-иқтисодий шароити ва аҳолининг турмуш даражасини эътиборга олишимиз лозимлигини унутмаслигимиз керак.

ДТМ биринчи марта кириш имтиҳонларини топшириш текин, қиролмай қолганлар қайта топшириш учун янаги йил келса, энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдоридан тўлов тўлайди, деяпти.

Албатта, биринчи йил тўплаган баллари тўғрисида унга сертификат берилади, лекин бу сертификатни кейинги йилларга қандай қўллаш мумкин, имтиҳон топширмай, шу сертификат билан мандатда иштирок этса бўладими, деган саволларга ҳозирча жавоб йўқ. Яъни, сертификатни амалда қўллаш механизми очиб берилмаган.

Абитуриент тақдор топшираётганда нима учун пул тўлаши лозимлигини ДТМ директори Мажд Каримов матбуот анжуманида қуйидагича изоҳлади:

“Абитуриентлар биздан ҳаққонийликни таъминлашимизни талаб қилишмоқда. Абитуриентлардан тушган маблағларнинг 80 фоизи имтиҳонга ахборот-коммуникация технологиялари воситалари, шахсни аниқлаш ва кузатиш камералари сотиб олишга сарфланади. Агар тест синови ўтказилаётган ҳар битта аудитория онлайн трансляция қилинадиган бўлса, бу катта харажат, дегани. Бизда утган йили 1000 та гуруҳ шакллантирилган эди. 1000 та гуруҳ бу — 1000 та кузатув камераси, дегани. Мақсад тест синовлари адолатли, шаффоф, ҳолис ва очик тартибда ўтказилишини таъминлашдан иборат”.

Албатта, шаффофлик ва ҳаққонийликни таъминлаш учун юқори технологиялар керак ва улар арзон турмайди. Лекин... Қатор саволлар туғилапти-ку, аммо энг асосийсини бериб қўялоайлик:

Давлат бюджетидан молияланадиган коррупцияга қарши кураш тизими имтиҳонларнинг ҳаққонийлигини таъминлаб бера олмаётганими? Балки ўша харажатларни қайта кўриб чиқиб, шаффофлик учун технологияларни шу мандан молиялаштиришни ўйлаб кўриш керакдир?

Умуман, имтиҳонлар пуллик бўлишининг бошқа сабаблари ҳам бордир: имтиҳон олувчиларга маош бериш, сифатли ва мақбул тестларни яратиш ва ҳоказо.

Ҳаққонийликни бу йўл билан юз фоиз таъминлаб бўлмаслиги ҳам майли, уни аҳолининг зиммасига ортиш тўғримики? Пул бўлмаса, адолат ҳам йўқ, дегандек эшитилаёпти-да.

Яна бир масала — тўловнинг миқдори. Бу борада муҳокамада келтирилган ушбу аргумент эътиборга молик:

“Масалан, Туркияда имтиҳонга кириш нархи университет даражасига қараб 200 дан 500 лирагача белгиланган”. Ва ЭКИҲ — 2020 турк лираси. Бу, дегани энг даражаси баланд университет имтиҳонига ҳам кириш ЭКИҲнинг 4/1 миқдоридан белгиланган.”

Бизда нима учун бирданига ЭКИҲнинг 100 фоизи миқдоридан тўлов ундирилиши лойиҳада етарлича асосланмаган. Бу йил тақдор имтиҳон топшираётган абитуриентлардан кириш имтиҳони учун 202 минг 730 сўмдан ундирилса, бир журналист ҳаққоний таъкидлаганидек, 233 миллиард сўм маблағ йиғилар экан.


Ушбу маблағнинг сарфланиши нақадар шаффоф бўлади? Қолаверса, олиб келинадиган ускуналар бир марталлик эмас-ку. Шундай экан, кредит ҳисобига

ускуналарни олиш ва йиллар давомида унинг пулини тўлаб бориш нимага ечим сифатида қўрилмаяпти?

Тўловни айримлардан 202 минг миқдоридан ундиргандан кўра, ҳаммадан, олайлик 50 минг сўмдан қилиб қўйиш адолатдан эмасми?

Билимли абитуриентлар йиқилиб, билимсизлари кириб кетаётган бир даврда қайта топширишни пуллик қилиб қўйиш тўғримики?

ЯХШИ НАРСАЛАР ҲАМ БОР



Ушбу лойиҳа бошдан оёқ ноаниқ ва хато экан, деган тасаввур уйғониши керак эмас. Чунки бир қатор прогрессив жиҳатлар ҳам бор:

1. Электрон ҳужжат топшириш. Агар юқоридан айтилган техник жиҳатлар ҳал этилса, бу жуда катта қўлайлик бўлади: абитуриентлар учун ҳам, ОТМлар учун ҳам.

2. Учта ОТМдан киришни танлаш имконияти. Лойиҳада кўрсатилишича, абитуриентлар энди ҳужжатни бир эмас, учта ОТМга бирданига топширишлари ва тест натижаларига кўра улардан бирини танлашлари мумкин.

3. ДТМ ёшларнинг ёзиш кўникмаларини баҳолашга киришмоқда. Бу жуда яхши иш, чунки бир варақ аризасида 10 талаб хато қиладиган ишга “олий маълумотли” кирувчилар кўпайиб кетди, афсуски.

4. Халқаро ўқув-илмий марказ ташкил этиш. Яъни ДТМ ўз қошида шундай марказни ишга тушириб, у ерга халқаро миқёсдаги экспертларни чақирмоқчи ва тренинглар ўтказмоқчи. Демак, тест тизими янги қон қиради, янги ғояларга турткилар берилади, прогрессив ўзгаришлар рўй беради, деб умид қилиш мумкин.


ХУЛОСА

Ушбу лойиҳанинг халқ муҳокамасига қўйилгани ва масъулларнинг муҳокамада очик ва диалогга тайёр эканини ижобий баҳолаш керак. Лойиҳанинг прогрессив аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Аммо уни айнан шу йилдан бирданига ҳамма ОТМлар учун жорий этишга шошилмай турган маъқулмики? Балки аввал бирор ОТМда синов тариқасида ўтказиб кўрилар, амалда кўринган камчиликларни тўғриланар. Чунки ҳар бир абитуриентнинг ҳар бир имконияти муҳимдир, ёшларнинг келажагига (демакки, бутун мамлакат келажагига) дахлдор ўзгаришларни қилишда бироз шошмаган маъқул.

Шаҳноза ТЎРАХЎЖАЕВА,
журналист

САЙЛОВ КОДЕКСИ:



сайловчи ва сайланувчининг ҲУҚУҚЛАРИНИ белгилайди

ҲУҚУҚИЙ демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири бу — эркин, очиқ сайлов тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Сайловлар орқали фуқаролар бевосита давлат ва жамият бошқарувида иштирок этади. Шу боис, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи фуқаронинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқлари сирасига киради.

Фуқаролар сайлов ҳуқуқини таъминлаш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида ҳам муҳим вазифалар сифатида қаралиб, қуни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Сайлов кодекси қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Сайлов жараёнларида барчамизнинг, аввало, дунёқарашимиз, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз, граждандлик позициямиз яна бир бор намойён бўлади”.

Куйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра сўхбатида Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзолари фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

САЙЛОВ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ҚОНУН ДАРАЖАСИДА ЭМАС ЭДИ



**Акмал САИДОВ,
Кўмита раиси:**

— Сайлов кодексининг қабул қилинишига биринчи сабаб сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги ва амалиётининг ҳозирги ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Президентимиз таъкидлаганидек, бу борада қабул қилинган қонунлар ва бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаган.

Иккинчи сабаби: сайловларга доир ана шу бешта қонуннинг барчасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ деярли бир хил нормалар такрорланган. Сайловга доир қонунларнинг кўпчилиги ҳам фуқаролар томонидан уларни қўллашда муайян қийинчиликларни юзага келтираётганди.

Учинчи сабаби: шу вақтга қадар юртимизда сайлов жараёнларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиб-қоидалари қонун даражасида эмас, балки Марказий сайлов комиссиясининг низоми ва йўриқномалари билан тартибга солинарди. Масалан, “Сенат аъзоларини сайлаш тўғрисидаги Низом”ни олайлик. Бундай воқелик, ўз ўзидан, Президентимиз олдимизга қўйган, яъни қонунлар тўғрисида-тўғри ижро этиладиган бўлиши керак, деган муҳим талабга зиддир.

Тўртинчи сабаби: ҳозирги кунда дунёнинг 40 та давлатида Сайлов кодекслари қабул қилинган. Ўзбекистонда ҳам халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати туғилди.

Бешинчи сабаби: кейинги даврда амалдаги 17 та кодексдан 6 таси, яъни Бюджет, Солиқ, Боғхона, Ер, Уй-жой, Шаҳарсозлик кодексларининг қабул қилингани ислохотларнинг ҳозирги босқичида мамлакат ҳаётининг энг муҳим соҳаларини кодекслар билан тартибга солишга ўтилганидан далолат беради. Сайлов кодекси лойиҳасининг ишлаб чиқиши ушбу қонун ижодкорлиги аънанасининг узвий давомидир.

Олтинчи сабаби: Сайлов кодекси лойиҳасида бугунга қадар тарқоқ ҳолда амал қилган сайлов тўғрисидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларини халқаро норма ва стандартлар ҳамда илғор хорижий тажриба талабларидан келиб чиқиб кодификация қилиш, сайлов жараёнига нисбатан ягона шаффоф ва самарали ёндашувлар назарда тутилган.

Бу, ўз навбатида, мазкур Кодекс лойиҳасида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилаётган бешта яхлит қонун ва уларга киритилган ўзгаришлар тўғрисидаги 17 та қонун ўз кучини йўқотишини аниқлатади.

ЛОЙИҲА БЕШ ХИЛ ТУРДАГИ МУҲОКАМА ВА ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИЛДИ



**Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Кўмита аъзоси:**

— Дастлаб алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимиз ўзининг Олий Мажлиси қилган биринчи Мурожаатида, яъни 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасини кун тартибига қўйди. Ўзбекистон сиёсий тарихида биринчи марта Сайлов кодексини қабул қилиш беҳиз эмас. Сабаби, мамлакатимиздаги улкан демократик ўзгаришлар, кенг қўламли ислохотлар шуни тақозо қилмоқда. Юқорида Акмал Холматович, бунинг бир қанча сабабларини таҳлил қилиб санаб ўтди.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ушбу муҳим аҳамиятга эга бўлган Кодекс лойиҳасини тайёрлаш жараёни ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Иш жараёни давомида 20 дан ортқ хорижий мамлакатларнинг, жумладан, Франция, Нидерландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларус, Озарбайжон давлати тажрибаси, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро стандартлар пухта ўрганиб чиқилди. Кодекс лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш мақсидида 2018 йил 19 июлда Олий Мажлис палата-

лари томонидан Марказий Сайлов комиссияси билан биргаликда Амалий ҳаракатлар режаси (“Йўл харитаси”) тасдиқланди. Унга мувофиқ лойиҳа 5 хил турдаги муҳокама ва экспертизадан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида (www.regulation.gov.uz) жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Хусусан, интернет тармоғи орқали жамоатчилик орасида муҳокамалар ташкиллаштирилди, фуқаролик жамияти институтларининг экспертлари томонидан жамоатчилик экспертизасидан, илмий ва халқаро экспертизалардан ўтказилди. Бундан ташқари, сайлов комиссияси мутахассислари ва жойлардаги халқ депутатлари Кенгашлари ўртасида муҳокамалар уюштирилди.

Муҳокамалар жараёнида фуқаролар, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларидан 400 дан ортқ тақлифлар келиб тушди. Шу ўринда лойиҳа бўйича келиб тушган тақлиф ва тавсиялар тегишли Ишчи гуруҳ ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти мутахассислари томонидан изчил ўрганиб чиқилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, ЕХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Венеция комиссияси, МДХ Ижроия кўмитаси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг хулоса ва фикрлари олинди. 2018 йил 16-17 ноябрь кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда олинган тақлифлар халқаро экспертлар иштирокида муҳокама қилинди.

Бир сўз билан айтганда, Кодекс лойиҳасининг халқ орасида кенг муҳокама қилиниши тушган тақлифлар орқали уни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

АЙРИМ ТАРТИБЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ



**Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Кўмита аъзоси:**

— Кодекс лойиҳаси 2 қисм, яъни Умумий қисм — 6 боб ва Махсус қисм — 12 боб, жами 18 боб, 101 та модда.

Сайлов кодексининг 26 та янги, энг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

Биринчи янгилик. Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланмоқда. Бунда Қонунчилик палатасида амалдаги депутатлик ўринлари (150 ўрин) сақлаб қолинади.

Иккинчи янгилик. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинмоқда.

Учинчи янгилик. Ўзбекистон Республикаси сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш Кодекс билан тартибга солинади.

Тўртинчи янгилик. Муддатидан илгари овоз бериш ва сайлов қуни овоз бериш учун ягона сайлов бюллетенини жорий этиш орқали “сайлов варақаси” тушунчаси чиқариб ташланмоқда.

Бешинчи янгилик. Сайловларни ўтказиш ёки ташкил этишининг бошқа масалалари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби киритилмоқда.

Олтинчи янгилик. Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир нечта номзодларни ёхуд партияларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Еттинчи янгилик. Овоз бериш жараёнида сайловчиларга бир нечта белгилардан (+, -, X) бирини қўйиш имконияти берилмоқда.

Бундан ташқари, процессуал, яъни бевосита сайлов жараёнлари билан боғлиқ бир қатор янги қоидалар жорий этилмоқда. Жумладан:

• Овоз бериш тушунганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар (овозларни санаб чиқиш, баённома тузиш ва бошқалар) кўрсатилмоқда.

• Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари томонидан участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар бўйича тақлифлар киритиш тартиби белгиланмоқда.

• Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда ягона сайлов участкаларини тузиш назарда тутилмоқда.

• Илгари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низоми бекор қилиб, Сенат аъзоларини Кодекс даражасида сайлаш масаласи киритилмоқда.

КИМЛАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING АЪЗОЛАРИ БЎЛОЛМАСЛИГИ БЕЛГИЛАНДИ



**Абдуллаев
ХАМРОҚУЛОВ,
Кўмита аъзоси:**

— Юқоридаги фикрларга қўшимча қилиб шуни айтмоқчи-манки, Кодекс лойиҳасига мувофиқ сайлов комиссияси аъзолари учун янги талаблар ҳам ўрнатилмоқда. Бунда, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланади.

Қолаверса, номзодлар ишончли вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги сафар харажатларини сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланиши тартиби қўшилмоқда.

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг (2,3 минг киши) сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланапти.

Шунингдек, сайловчилар рўйхатига ўзгартишлар киритиш сайловга уч кун қолганида тўхтатилиши, муддатидан олдин овоз бериш сайловга 3 кун қолганида тўхтатилиши ва сайловга 1 кун қолганида тўхтатилади.

Сиёсий партиянинг у ёки бу шахсни номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан 15 кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сонини 3 дан 5 кишигача қўлайтириш каби муҳим ўзгаришлар ҳам лойиҳада назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни ҳамда уларга кейинчилик киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган, деб топил тақлиф этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасида сайловга оид муносабатларни тартибга солувчи ўндан ортқ қонунлар қабул қилинганини инобатга олсақ, уларни ягона кодекс сифатида тизимлаштириш фуқароларимизга муайян қўлайлик туғдиради.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов қонунчилигига киритилаётган янги нормалар демократик принцип ва халқаро қоидаларга тўла мувофиқ бўлиб, бугунги замон талабларига мос ва хос бўлган сайлов тизимининг вужудга келишига замин яратяди.

Зеро, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг таъминланиши давлат ва жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг қарор топаётганидан дарак беради.

Арсрон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЭНГ ИҚТИДОРЛИЛАР ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИДА ЎҚИЙДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йил 20 февралдаги "Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатта мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклидаги Президент мактаблари ташкил этилади.

Қарорга кўра қўйидагилар Президент мактабларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- иқтидорли болаларни аниқлаш, танлаш ва ўқитиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб бериш;

- табиий ва аниқ фанларни чуқур ўрганиш, хорижий тиллар, муҳандислик ва ахборот технологияларини ўзлаштиришни ташкил қилиш, ўқувчиларнинг инновацион гоғлари ва ишланмаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- ўқувчиларни ўқитиш ва улар билгимини баҳолашнинг замонавий услубларини, шунингдек, таълим дастурларининг интеграциялашувига асосланган ўқитишнинг фанлараро ёндашувини жорий қилиш ва кейинчалик ижобий тажрибани республика ҳалқ таълими тизимига татбиқ этиш;

- ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларда етакчилик қўникмалари ва нотикик санъатини ривожлантириш, танқидий фикрлаш, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни амалиётда қўллаш малакасини ошириш;

- ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича халқаро олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш;

- ўқувчиларда ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат туғишуни, баррикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатни, ҳаёtgа қатъий ишонч ва қарашларни шакллантириш;

- ўқув дастурларининг узлуксизлигини таъминлаш масалаларида худди шу йўналишдаги миллий ва хорижий умумий ўрта ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, битирувчиларнинг илгор хорижий олий ўқув юрталарида ва уларнинг республикамиздаги филиалларида ўқишини давом эттириш.

Президент мактабларини ташкил қилишдан асосий мақсад мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятда иқтидорли ёшларни аниқлаш, шу йўсида мамлакатимиз учун энг керакли кадрларни тайёрлашдир.

Президент мактабларига қабул 4-синф битирувчилари орасидан манتيкий фикрлаш тестлари, ёзма имтиҳон ва суҳбат орқали танлаб олинади.

Президент мактабларига ҳар йили 24 нафар ўқувчи қабул қилинади ва иккита синфга тенг тақсимланади. Биринчи ўқув йилида эса 5-10 синфларга 14 нафардан ўқувчи қабул қилинади.

Мактабларда ўқувчиларни танлаш ва таълим сифатини таъминлаш учун хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Мактабларга малакали хорижлик ҳамда маҳаллий педагоглар жалб этилади.

Президент мактаблари STEAM (Science (фан), Technology (технология), Engineering (муҳандислик), Art (санъат) ва Mathematics (математика) фанларини ўқитишга ихтисослашган бўлади. Яъни, Президент мактабларида ёшларга математика, физика, химё, биология ва ахборот технологиялари ҳамда хорижий тиллар илгор таълим методологиялари асосида чуқур ўргатилади. Мактабларда таълим инглиз тилида олиб борилади.

Мактаб битирувчиларига белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, аттестат) билан бир қаторда, хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларига кириш имконини берадиган халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи (International Baccalaureate, Advanced Placement ёки International Advanced Levels) берилади.

Президент ташаббусига кўра биринчи мактаб Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрида Хиवाद ва Тошкентда барпо этилиши кўзда тутилмоқда. Бундай мактаблар босқичма-босқич мамлакатнинг барча худудларида очилади.

ТОШКЕНТДА ОНЛАЙН НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ ТАЖРИБА ЛОЙИХАСИ

"Тошкент шаҳрида онлайн назорат-касса машиналарини қўллаш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ҳукумат Қарори 2019 йил 21 февралда қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳрида онлайн назорат-касса машиналари (НКМ) тажриба лойиҳаси ишга туширилади. Мазкур лойиҳа доирасида маҳсулотларни сотилган вақти ва жойини кўрсатган ҳолда маълумотларни солиқ органларига онлайн узатишни таъминловчи назорат-касса машиналари орқали тушумларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини қўллаш режалаштирилмоқда.

Мазкур тажрибада савдо ва хизмат кўрсатиш билан шугулланувчи тадбиркорлар физикал модулни (уланган қурилманинг ҳисоблаш қувватини ишлатмаган ҳолда физикал маълумотларни криптографик химоясини таъминловчи қурилма) рўйхатдан ўтказганидан сўнг ихтиёрий иштирок этиши мумкин.

Фискал модул зарур дастурий таъминот ва техник ресурслар билан беғараз берилади ҳамда тадбиркорларнинг шахсий маълумотларни химояланади. Фискал модулни рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркорлар давлат солиқ органларига шахсий кабинетлари орқали мурожаат этади. Солиқ органлари бир иш кунинда фискал модулни рўйхатдан ўтганлиги ҳақида хабарномани юборади. Тадбиркор беш иш кунинда фискал модулни бепул олиб кетади.

Энди сотилган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилган ишлар ва хизматлар тўғрисидаги маълумотлар вилоятлар, шаҳарлар, туманлар бўйича таҳлил қилинади ва солиқлар тўлашдан бўйин товлаш эҳтимоли бўлган ҳолатлар автоматик равишда аниқланади.

ИСТИҚБОЛЛИ БОШҚАРУВ КАДРЛАРИ ҚАНДАЙ САРАЛАБ ОЛИНАДИ?

Юртимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш, уларни саралаб жой-жойига қўйиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда хорижий илгор тажрибалардан мақсадли фойдаланилиб, раҳбарликка тайёрлашнинг замонавий услублари кенг қўлланилмоқда. Бу борада 2018 йил 30 майда Президентимизнинг "Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Кунгеча 20 февралда истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш мақсадида мазкур Қарорга бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Илгари Қарорга асосан танлов ғолиблари хорижий мамлакатларда стажировка ўташни ўз ичига оладиган уч ойлик курсларда ўқиш, тегишли йўналишлар бўйича давлат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларига тайинланар эди. Эндликда, киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, танлов ғолиблари тегишли йўналишлар бўйича давлат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларига тайинлаш, танловнинг тегишли номинациялари бўйича ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида камидан бир ой муддатлик стажировка ўтади.

Финал босқичининг бошқа иштирокчилари бошқарув кадрлари захирасига киритилади ва иш билан таъминланганидан сўнг улар ҳам ривожланган мамлакатларда камидан бир ой стажировка ўтади.

Стажировка ўтаган танлов ғолиблари ва финал босқичининг иштирокчилари зиммасига уларни стажировка ўташ учун юборган ташкилот билан тузилган шартномада назарда тутилган муддатда ушбу ташкилотда ишлаб бериш мажбурияти юқлатилади.

Танлов ғолибларини раҳбарлик лавозимларига тайинлаш, танлов ғолиблари ва финал босқичи иштирокчиларининг ривожланган хорижий мамлакатларда стажировка ўташи юзасидан чора-тадбирларни кўриш, шунингдек, бошқарув кадрлари захирасига киритилган финал босқичи иштирокчиларининг фаолиятини кейинчалик уларни хизмат бўйича кўтариш ёки раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун мониторинг қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг умумий мувофиқлаштируви остида амалга оширилади.

"Инсон ва қонун" муҳбири
Мадҳия АВАЗОВА тайёрлади.

НОТАРИУСНИНГ ХАТОСИ МОЖАРОНИНГ БОШЛАНИШИ

МОЛ-МУЛК ва мерос можароси биздан аввалги замонда ҳам бўлган. Табиийки, бу бизнинг давримизга ҳам хос муаммо. Хўш, бу муаммолар ва можаролар нима сабабдан келиб чиқмоқда, деган ҳақли савол туғилади?

Ота ёки она бу ёруғ оламдан кўз юмгандан кейин ҳали уларнинг туپроғи совимасдан туриб фарзандлар, қариндошлар ўртасида мерос, мол талабши можароси бошланади. Ва бу можаролар гарчи қонунларимизда ҳаммаси белгилаб қўйилган бўлса-да, қанча-қанча одамларни сарсон қилади, асабини бузади, ҳатто судгача бориб етади.

Суд томонидан васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида давлат нотариал идораси нотариуси томонидан расмийлаштирилган гувоҳнома ҳақиқий эмас, топилди, дейлик. Мабодо, бу гувоҳнома бир неча йил аввал берилган бўлса-ю, ўртадаги мол-мулкнинг бир қисми сотиб юборилган бўлса-чи? Орадан ўтган вақт ва бошқа оилалар унга сарфлаган маблағ меросхўр — талабгорни қизиктирмайди. Бу ҳол кимларнингдир оиласи тинчлигини бузилишига, ўз-ўзидан аёнки норозиликка сабаб бўлиши аниқ. Нотариуснинг хатоси билан йўл қўйилган бу низога, албатта, фақат суд орқали чора топиш ва тўғри ечим топиш мумкин. Аммо хатони тўғрилаш осон кечмайди.

Бу ўринда судлар бундай нотариал ҳаракатни бутунлай бекор қилса, унда тамом. Ҳамма иш тескарисига кетди, деяверинг. Суд даъвогарга компенсация тўловлари орқали бу можарони ҳал қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариб берса, хўп-хўп. Йўқса, унга бу ҳақда гапиришни, тушунтиришнинг ҳолати бўлмай қолади. Ҳатто, мерос талабши оқибатида айрим фожиялар ҳам келиб чиқайтганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Худди ана шундай низолар ва кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида Олий суд ва Адлия вазирлиги ўртасида "Адлия ва суд органларининг ҳамкорлиқдаги фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан" қўшма кўрсатма имзоланган.

Ана шу талаб ва кўрсатмага асосан Навоий вилоят адлия бошқармаси ҳамда фуқаролик ишлари бўйича ва маъмурий ишлар бўйича Навоий вилоят судлари ҳамкорлигида семинар ўтказилди.

Вилоятдаги барча давлат нотариуслари ва судьялар иштирок этган мазкур тадбирда судлар томонидан нотариал ҳаракатларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва бекор қилиш, нотариусларга мажбурият юқлаш ҳолатлари, бунда нотариуслар томонидан йўл қўйилган камчиликлар, ушбу соҳада ягона суд амалиётининг жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди. Ўтган 2018 йил мобайнида 10 та нотариал ҳаракат ҳақиқий эмас, деб топишган бўлиб, 4 та нотариал ҳаракат эса бекор қилинган. Бу бир қараганда, бармоқ билан санарли кўрсаткич, аммо ҳисобсиз ташвиш ва асаббузарликларга сабаб бўладиган ҳолат.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 2018 йил 17 июлдаги ҳал қилув қарори билан Навоий шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси К.Жумаев томонидан расмийлаштирилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас, деб топишган. Сабаблари ўрганилганда, марҳум М.Жўраевадан қолган мерос мулкни тақсимлашда нотариус томонидан хатоларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Мероснинг 1/5 улуши марҳумнинг акасига, 1/5 улуши марҳумнинг укасига тақсимланган ва 3/5 улуши эса очик қолдирилган. Бироқ марҳумнинг вафот этган орасининг 3 нафар фарзандлари ҳам тақдим этиш ҳуқуқи бўйича меросхўр ҳисобланса-да, нотариус томонидан меросхўрлар таркиби тўлиқ текширилмасдан уларга улуш ажратилмаган. Оқибатда, норозиликлар судгача бориб етган.

Фуқаролик кодексининг 1136-моддасига кўра, мерос қолдирувчининг туғилган ҳамда ота (она) бир ва (ота) она бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва буvisи тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлади. Кодекснинг 1140-моддасига кўра тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик, қонун бўйича меросхўр мерос очилигунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутати. Бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади.

Шунингдек, яна бир ҳолатда фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди қарори билан нотариуснинг эътиборсизлиги туфайли васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида берилган гувоҳнома ҳақиқий эмас, топилган. Марҳум З.Раҳматуллиннинг мерос мулкни бўлган Навоий шаҳридаги квартирга нисбатан фуқаро К.Равшановага 1/4 улуш учун меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилган. Бу ерда ҳам нотариус томонидан меросхўрлар таркиби тўлиқ текширилмаганлиги оқибатда марҳумнинг вафот этган ўғли А.Раҳматуллиннинг қизи Александра борлиги эътибордан четда қолдирилган ва унинг улуши мавжудлиги инобатта олинмаган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас, деб топишган яна бир нотариал ҳолатда эса марҳум Ш.Латиповнинг дала-ҳовлиси унинг жиғини З.Ҳамроев номига васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилган бўлиб, бунда марҳумнинг шаръий никоҳдан туғилган, фамилиясида бўлган қизи борлиги ва унга мерос мулкдан мажбурий улуш ажратиш кераклиги эътибордан четда қолдирилган, яъни нотариус томонидан бу ҳолатда ҳам меросхўрлар таркиби тўлиқ текширилмаган.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ЕТТИ ЙИЛДАН СЎНГ ОҚЛАНДИ



ОҚЛОВ

ЖИНОЯТ ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2019 йил 24 январда бўлиб ўтган кассация суди мажлисида бундан 7 йил муқаддам ноҳақ судланган, Ўзбекистон туманидаги 49-умумтаълим мактаби директори Рустамжон Ҳақимов оқланди.

Рустамжоннинг маълум қилишича, фуқаро Саминжон Маражабов 2005 йилдан 2011 йил октябрь ойига қадар энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ажара ҳақи тўлаш шарти билан мактабга қарашли савдо дўконидан фойдаланиб келган. 2011 йил ноябрь ойида имзоланган ажара шартномасига асосан эса унга мактаб тамадди-хонаси озик-овқат ва ноозик-овқат махсулотлари сотиш учун ажарага берилган. Шартнома талабига кўра, ажарачи бунинг учун мактабга энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан ҳақ тўлаши керак бўлган. Аммо энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан ҳақ тўлаш С.Маражабовга маъқул келмаган. Шу боис у бундан норози бўлиб, 2011 йил декабрь ойининг бошида солиқ Миллий хавфсизлик хизмати (ҳозирги

ДХХ) Қўқон шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилган. Шундан сўнг Саминжон 2011 йил 15 декабрь куни 500.000 сўм нақд пулни ажара ҳақи ҳисобидан Р.Ҳақимовга берган. Оқибатда директор ана шу пулни тўғри қорра тарикасида олаётгандек МХХ ходимлари томонидан ушланган. Негаки, С.Маражабовнинг аризасига биоан тезкор тадбир уюштирилган. Мактаб директориға нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси, 3-қисми, "б" банди (мазкур банд ўша пайтда "маъқул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса", деб номланган) билан жиноят иши кўзга тилган.

Бундан ташқари, тезкор тадбирдан кейин Молия вазирлигининг Фарғона вилоят назорат тафтиш бошқармаси мутахассислари томонидан мактабда текши-

риш ҳам бошланади. Текшириш хулосаси асосида Рустамжон Ҳақимовга нисбатан Жиноят кодексининг яна бир қатор моддалари билан айблов эълон қилинади. Ўрни, у 2009 йил май ва август ойларида ўзи ҳамда директор ўринбосари У.Мирсаидова номига "Нозанин Яйпан инвест" хусусий корхонаси ва "Мадор" кредит уюшмасидан 1 йил муддатта 2 донна кондиционерларни сотиб олиб, 2009 йил 26 июндан 2010 йил 19 мартга қадар жами 1.822.010 сўм пуллари мактабнинг бюджетдан ташқари сармоя ҳисоб рақамидан кредитдан бўлган қарзлар эвазига ўтказиб юборганлик, 2011 йил сентябрь-декабрь ойларида ўқувчиларнинг озик-овқати ва кўшмача дарслар учун 21.037.000 сўм маблағни асоссиз равишда йингиб сарфлаш, 2010 йил 13 де-

кабрда "Конизар қурилиш савдо" хусусий корхонасидан сотиб олинган 910.000 сўмлик цементни мактаб эҳтиёжларига ишлатмаслик, 2011 йил январдан май ойига қадар ўқитувчи, тарбиячи ва тўғарак раҳбарларига 1.444.600 сўмлик иш ҳақини нотўғри тўлаганлик, 789.900 сўмлик ажара ҳақини маҳаллий бюджет даромадига ўтказмаслик орқали давлат манфаатларига жиддий ва жуда кўп миқдорда зарар етказганликда айбланган. Шунинг учун тергов жараёнида Р.Ҳақимов 4.150.000 сўмлик зарарни қоплаган ҳам. Натижада жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2012 йил 28 майдаги ҳукмига биоан директор Жиноят кодексининг 167-моддаси, 2-қисми, "б,в,г" бандлари, 206-моддаси, 2-қисми, "в" банди, 209-моддаси, 2-қисми, "а" банди билан айбдор деб топилиб, кодекснинг 57 ва 59-моддалари тартибидан унга 3 йил муддатта моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Айни пайтда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар Рустамжонга умид бағишлади. Шу боис у жиноят ишлари бўйича вилоят судига келтирилган кассация шикоятда ўз ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли оқлов ҳукми чиқариши сўради.

Кассация суди мажлисида аён бўлдики, биринчи инстанция суди Р.Ҳақимовга оид жиноят ишини қўришда исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқмаган. Иш учун аҳа-

миятли бўлган далиллар тўпланмаган, мавжуд далилларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган. Унинг айбдорлигига оид шубҳа ва қарама-қаршилиқларни бартараф этмасдан, фақат судланувчини айбаш нўқтан-назаридан, шоша-шошарлик билан, бир ёклама суд тергови ўтказиб, уни Жиноят кодексининг юқоридаги моддаларига мувофиқ асоссиз равишда айбли, деб топган ҳолда жазо тайинлаб, хатоликка йўл қўйган.

Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида иш кўзга тилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд ҳуқоқамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаसा, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи айбсиз, деб топилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги белгиланган. Кассация судлов ҳаётида жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2012 йил 28 майдаги ҳукмига бекор қилиб, Р.Ҳақимовни айбсиз, деб топди ҳамда унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли оқлади. Шунингдек, суд ақримида унга реабилитация қилиниши муносабати билан ўзига етказилган мулкӣ, маънавий ва бошқа зиён юзасидан Жиноят-процессуал кодексининг 304-312-моддалари тартибидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилди.

Раҳматжон АРАПОВ,
жгноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди судьяси,
Бахтёржон ТИЛБАЕВ,
Ўзбекистон тумани "Адолат формуласи" адвокатлик бюроси адвокати

ЖИГАРБАНДИНИ СОТТАН ОНА СУДДАН ЎГЛИНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИШНИ СЎРАДИ

КўПИНЧА одам савдоси ҳақида гап кетганда биз ҳамюртларимизни ўзга юртларда турли мақсадларда сотиб юборган кимсалар манфуригини тушунамиз. Лекин орамизда мурғак гўдакларни сотишдан тап тортмаётган кишилар ҳам учраётганлиги жуда ачинарли ҳол.

Қўштепа туманида туғилган Гулнора Топволдиева (исм-шарифлар ўзгартirilган) оилада бебош қиз бўлиб улғайди. Аникроғи, у дугоналари сингари рисоладагидек келин бўлиш ўрнига кўчадаги ўйин-кулги ҳамда кўнгилхушлиқларни афзал билди. Шунинг учун кейинчалик ота-она уйдан чиқиб кетди. Ана шундай кунларнинг бирида, Тошлоқ туманида яшовчи Баҳромжон исмли йигит билан танишиб қолди. Уларнинг муносабатлари икки йил саргузаштга айлиниб, 2017 йилнинг 23 ноябрида Г.Топволдиева ўғил фарзанд кўрди. Табиийки, тайинли уй-жойи бўлмагани боис, боласини боқиш ва тарбиялашга жуда қийналди. Таниш-билишларидан сураб-суриштириб, ўглини Қувасой шаҳрида истиқомат қилувчи Азима Темированинг тарбиясига топширди. Албатта, бунинг эвазига Азима опага кунига 15.000 сўмдан ҳақ тўлайдиган ва чақалқоннинг озик-овқатларини етказиб бериб турадиган бўлди. Кўнгида эса Жавлонбекни сотиб юборишни режалаштирди.

— Углимни бирор фарзандсиз кишига сотиб, уй олмақчиман. Кейин яна туғиб олавераман. Сиз нима дейсиз? — деб сўради Фарғона шаҳрида яшовчи таниши Маъмура Кавлоновадан ҳам маслаҳат, ҳам ёрдам тарикасида.

— Бунақа танишларим йўқ. Аммо суриштириб, жавобини айтаман, — деди Маъмура.

Орадан бир неча кун ўтиб, у Гулнорага кўнгирок қилди.

— Кўнжлик бир дугонамнинг 2 та қизи бору, ўгли йўқ. Болангни ўша сотиб олмақчи. Розимисан?

Қўпдан буён харидор кутаётган она эса ўйлаб ҳам ўтирмай, дарҳол кўна қолди. Ду-

гоналар 2018 йил 27 февраль куни Фарғона шаҳар марказида учрашишди.

— Бу сизга айтган дугонам Вазира, — дея уларни таништирди Маъмура. Аёллар Жавлонбекни 7000 АҚШ долларига олди-сотди қилишга келишишди. Маслаҳат пилшган эса Қувасойга — А.Темированикига йўл олишди. Йўл-йўлақай Гулнора Вазирадан Азимадан бўлган қарзи эвазига 250.000 сўм нақд пул, боласини олиб чиққач, келишилган 7000 АҚШ долларини санаб олди. Шу пайт фуқаролик қийимида етиб келган шахслар ўзларини Фарғона вилоят ИИБ ва Қувасой шаҳар ИИБ ходимлари сифатида таништириб, уни қўлга олишди. Чунки Г.Топволдиеванинг хатти-ҳаракати ноқонуний эканлигини билган М.Кавлонова ва Ю.Фахриддиновлар бу хусусда юқоридаги идораларга ариза билан мурожаат қилишган.

Жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг "Зийнат" маҳалла фуқаролик йиғинида бўлиб ўтган сайёр суд мажлисида Гулнора қилмишидан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик ҳамда ўгли қайтариб берилишини сўради. Суд унга қонуний жазо тайинлади ва ўгли Ж.Топволдиев Фарғона шаҳар болалар уйига топширилгани учун уни қайтариб олиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Сарварбек ЮЛДАШЕВ,
жгноят ишлари бўйича
Қувасой шаҳар суди раиси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ...

ЗОМИН туманида яшовчи Руслан Ҳамдамов (исм-шарифлар ўзгартirilган) яқиндагина жиноят ишлари бўйича Арнасой туман суди ҳукми билан ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган эди. Қаранги, бу йигит бир маротаба эмас бир неча маротаба суднинг қора курсисига ўтирган бўлиб, барибир тегишли хулоса чиқармаган экан. "Кўр кўрни қоронғуда топади", деганларидек ўзига ўхшаган йигитлар билан танишиб, навбатдаги жиноий ишлар режаларини туза бошлайди. У шериклари З.Топшев ҳамда А.Шеров билан олдиндан тил бириктириб, такоран ўғирлик, яъни ўзанинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш каби жиноий хатти-ҳаракатларни содир қилади. Улар вояга етмаган Ж.Саипов, Ж.Содиқов ҳамда Ф.Назаровларни ҳам йўлдан уришади. Қулларнинг бирида Р.Ҳамдамов вояга етмаган шериклари тунда бир жойга бориб кўчқор ўғирлаб келишларини айтади. Келишилгандек, бир гуруҳ ўғри шахслар Зомин тумани Даштотобод шаҳрида яшовчи А.Усмоновнинг ҳовлисига яширин равишда девор орқали ошиб кириб, ҳовлидаги кўчқорни ўғирлаб кетишади. Эртаси куни ими-жимиди бегона бир шахсга баҳоси 700.000 сўмлик кўчқорни 350.000 сўмга сотиб юборишади. Орадан 3 кун ўтиб, ўғирларнинг яна хумори тутади. Кафталари кичиб, 3 нафар жиноий шериклар, яъни Ш.Абдуллаев, Ф.Назаров ҳамда Ж.Содиқовлар тунги 01-30 ларда С.Бекназаровга тегишли қиймати 900.000 сўмлик бетон-ғишт ишлаб чиқариш дастгоҳининг электромотори ва редуктор қопламасини ўлариб кетадилар. Ускунани одатдагидек ўз баҳосидан ярим нархига 450.000 сўмга сотиб, пулни тақсимлаб олишади. Майда ўғирлар ҳеч нарса бўлмагандек, ўз маҳалласида, ўз уйида пинагини бузмай юраверишади.

"Бекорчидан Худо безор", деганларидек, бу жиноий гуруҳ кун кўриш учун яна битта одамни қақшатади. Тўда бо-

ши Р.Ҳамдамов шериклари билан тунги соат 02:00 ларда Ё.Расулвоннинг яшаш уйи ҳовлисида девордан ошиб киришади. Баҳоси 1.200.000 сўмлик бир донна автомашинага ўрнатилиш учун мўлжалланган темир газ баллонни ўғирлаб, жуфтани ростлайдилар. Бу газ баллонни ҳам бошқа бир одамга 1.000.000 сўмга сотишади. Бўлиб ўтган воқеани яна одатдагидек ҳеч ким сезмаганлигини билан ўғирлар "оғзига талқон" солиб юраверади. Лекин жабрдийда кимсалар бу ҳолатни кимдан қўришни билмай, аросатда эдилар. Ўғирларга нима, уларнинг хаёлида яна навбатда ҳам ўлжадан келадиган даромад эди. Нафси ҳақалак отган бу жиноий тўда ўз ишини ҳар доимигидек давом эттирди. Ҳали жиноий қилмишлари суёвб улгурмасидан улар ҳалол бир чорвадорниқига ўғирликка тушишди. У.Қулчабоевнинг хонадонига билдирмасдан кириб, қўйхонасидан бозор баҳоси 1.200.000 сўмлик икки бош қўзиларни яширин равишда ўғирлашди. Бундан ташқари, бу абжир, майда ўғирлар ўз туманида яшовчи кимсаларнинг жами баҳоси 10.000.000 сўмдан зиёд бўлган нарса ва буюмларини шу тариқа ўмариб келаверишади. "Бузоқнинг югургани сомонхонагача" эканлиги эса уларни заррача ташвишга солмади. Ҳолбуки, туман ва маҳалла гувоҳлари иштирокида ўғирлар қонун назоратчиларининг ўткир нигоҳига аллақачон тушиб улгурган эди. Алал-оқибат, суд мажлисида бу жиноий гуруҳ аъзолари келтирилган далиллар олдидан ожиз қолишди, қилмишларига иқдор бўлишдан бошқа имкон топа олишмади. Суд ҳукмига кўра, уларга Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан тегишли жазо тайинланди.

Умар ҲАДЖАЕВ,
Зомин туман прокурори ёрдамчиси,
Гулўла ЎРМЕТОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ТАКСИЧИДА СТАЖ БЎЛИШИ КЕРАКМИ?



— ЙЎЛОВЧИЛАР ташиш учун мўлжалланган йўналишсиз таксиларни бошқариш учун ҳам ҳайдовчилик стажига эга бўлиш талаб этиладими?

— Ҳа, талаб этилади. Йўловчилар ташиш учун мўлжалланган йўналишсиз таксиларни бошқаришга ҳайдовчилик гувоҳномасида "В" рухсат белгиси бўлган, 21 ёшга тўлган, тиббий кўриқдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчи стажига эга бўлган шахслар қўйилади.

Йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчилари йўналишда ишлаётганда тегишли лицензия картчасига ҳамда йўлга чиқишдан олдин автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўриқдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида белгилар қўйилган йўл варақасига эга бўлиши керак.

БЕНЗИНГА ТЎЛАНДИГАН КОМПЕНСАЦИЯ МЕНГА ҲАМ ТЕГИШЛИМИ?



— МЕН болалиқдан II-гурӯх ногирониман. Бензинга тўланадиган компенсация бўйича маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилган эдим. Улар машина ўзингизнинг номингизда бўлса компенсация тўланади, дейишди. Машина рафиқамнинг номида бўлса компенсация олмайманми?

— Йўқ, олмайсиз. Ойлик пул компенсацияси тўлови уни олиш ҳуқуқига эга бўлган, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшайдиган, енгил автомобиль, мотосарава ва ёки мотоциклга эга бўлган шахсларга тайинланади.

Автомобил воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи ишончнома бўйича бошқа шахсга берилганда ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқи йўқолади.

Башарти соғлигининг ҳолати бўйича автомобил воситаси ҳайдаш тўғрисида келмайдиган Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари билан доимий равишда бирга яшайдиган, у билан бирга бир тураржой майдонида рўйхатдан ўтган оила аъзолари автомобил воситасини ишончнома бўйича ҳайдаган тақдирда уларга ҳам компенсация тайинланади. Бунда ойлик пул компенсацияси тўлаш фақат ишончноманинг амал қилиш мuddатига тайинланади.

ЁШ ОНАЛАР ТУНДА НАВБАТЧИ



— ТУРМУШ ўртоғим туғуруқонада ишлайди, олий маълумотли. 3 ёшга тўлмаган фарзандимиз бор. Шундай бўлишига қарамасдан тунги навбатчиликда ишлаб келмоқда. Қонун бўйича бу тўғрими? Турмуш ўртоғимга қандай имтиёзлар бор?

— Ушбу ҳолатда тунги ишга жалб қилиш фақатгина ходимнинг розилиги ва тиббий хулоса асосида амалга оширилиши лозим.

Меҳнат кодексига мувофиқ, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Бундан ташқари, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартirilган мuddати белгиланади ҳамда ушбу тоифадаги ходимларни иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди.


ДИРЕКТОРЛАР ДАРС БЕРСА БЎЛАДИМИ?



— МАКТАБДА директорман, неча соатгача дарс беришим мумкин?

— Қонунчиликка мувофиқ, халқ таълими муассасасининг раҳбар ходими (мактаб директори, унинг ўринбосарлари) томонидан асосий лавозимнинг бир ҳафтада 10 соатгача ҳажмда ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб борилишига (ўқув юкларини юритилишига) йўл қўйилади.

ИШ ҲАҚИ КЕЧИКАЯПТИ...



— БУ ойда иш ҲАҚИ олинмайдиган кун байрам кунига тўғри келган. Шунга кўра, бухгалтер ойлик иш ҲАҚИ тўланишини кечиктириши мумкинми?

— Йўқ, мумкин эмас. ҲАҚ тўланадиган кун дам олиш кунига ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҲАҚИ шу кун арафасида тўланади. Жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҲАҚ тўлаш белгиланган мuddатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

Саволларга Фаргона вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Ислонжон АБДУЛАЗИЗОВ жавоб берди.

ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ ҚАЧОН БЕРИЛАДИ?



— ИШСИЗ, деб рўйхатга олинганимга бир ой бўлди, ишсизлик нафақасидан хабар йўқ, менга ишсизлик нафақаси қачондан тайинланиши керак?

— Ишсиз, деб эътироф қилинган шахсларга бериладиган ижтимоий-моддий давлат қаролатларининг энг асосий шакли, бу ишсизлик пайтида тайинланган ва тўланадиган нафақадиур. Сизга ишсизлик нафақаси Меҳнат кодексининг 65-моддасига кўра иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кунингиздан эътиборан тайинланиши лозим.

МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИ КИМЛАРГА ҚАНЧАДАН ТЎЛАНДИ?


— СОҒЛИҒИМ ёмонлашгани учун "больничный"га чиқдим, лекин 4 нафар вояга етмаган фарзандим бор, уларни моддий таъминлашим керак. Ишга чиқмаган вақтларим учун менга аввал олган ойлигимдан кам ойлик тўланадими?



— Қонунчиликка мувофиқ, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси (больничный) қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўланади.

Бундан ташқари, қуйидаги ходимларга ҳам 100 фоиз миқдорида тўланади: ишлаётган 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига; байналминал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга; Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ёки ундан жабрланган ходимларга; меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга.

ТЕКШИРУВДАН БОШ ТОРТСАМ ЖАВОБГАРЛИК БОРМИ?



— ҲАЙДОВЧИМАН, баъзан йўлда йўл-патруль ходимлари тўхтатиб маст, деб ўйлаб текширишга олиб борамиз, дейишади. Бу текширувга боришдан бош тортсам ҳам жавобгарлик борми?

— Ҳа, маъмурий жавобгарлик бор. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун ўтказиладиган текширувдан ўтишдан бўйин товлаши транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача мuddатга маҳрум қилиб, 3 миллион 40 минг сўм жарима солишга сабаб бўлади.

ЙЎҚОЛГАН МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ УЧУН КИМ ЖАВОБГАР?

— МЕҲНАТ дафтарчаси корхона томонидан йўқотилган. Уни тиклаш учун қаерга, қандай ҳужжатлар билан мурожаат қилиш керак? Уни тиклашга йўқотган томон жавобгар бўладими? Тартиби қандай?



— Меҳнат дафтарчаси йўқотиб қўйилган тақдирда, шунингдек, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган (йиртилган, ёнган, ёзувлари бўялган) ҳолларда меҳнат дафтарчасининг дубликати ходимнинг охириги иш жойидан берилади. Дубликатни олиш учун қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмайди.

Табиий офатлар ёки бошқа сабабларга кўра корхона томонидан ходимнинг меҳнат дафтарчаси йўқотилган тақдирда, ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликати корхона томонидан бепул берилади.

ИШ БОР ЭДИ...

ЛЕКИН "ЙЎҚ", ДЕБ ЖАВОБ БЕРИЛГАН

ҲАЁТНИНГ ўз қонун-қоидалари, яхши-ёмон кунлари, баланду пастликлари, турли қийинчиликлари, турфа синовлари бор. Ёлғиз фарзандини ёлғиз тарбиялаш тақдирда ёзилган Нафиса Жумабоева ҳам ана шундай имтиҳонларга дуч келди. У вояга етмаган қизининг ҳеч қимдан кам бўлмаддан камолда етиши учун ишлаши зарурлиги сабаб Учқудуқ туман аҳоли бандлиги қўмаклашиш марказига иш сўраб борди. Марказдан Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасига қарашли Шимолий кон бошқармасига йўланма олди. Қўлида ижтимоий ҳимояга мўлҳож ва иш топшида қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида ишга жойлашиш учун берилган квота йўланмаси билан Шимолий кон бошқармаси мутасаддиларига учрашган Н.Жумабоевнинг ҳафсаласи пир бўлди, ишга жойлашиш орауси чиппака чиқди.

Бу "эшик"дагиларга гап уқтириш, ялғиноб-ёлғирини беҳуда эканлигини англаган аёл Учқудуқ туман адлия бўлимига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мурожаат адлия бўлими томонидан ўрганилиб, фуқаролик ишлари бўйича Учқудуқ туман судига Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасига қарашли Шимолий кон бошқармасига нисбатан "мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати устидан" даъво аризаси киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазатга мўлҳож, иш топшида қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 3-бандига кўра, уш тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар ижтимоий муҳофазатга мўлҳож, иш топшида қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган мўлҳожлар тоифасига қиради.

Даъво аризасида ташкилот ушбу Низомнинг 3-бандига кўра, туман ва шаҳар ҳокимилик томонидан белгиланган заҳирага қўйилган иш ўрин-

лари сонидан келиб чиқиб, ишга жойлаштириш шартлиги кўрсатилган. Боз ушга туман ҳокими қарори билан Шимолий кон бошқармасига ана шундай тоифадаги фуқароларга 5 та иш ўрни заҳирага қўйилиши кўрсатилган. Туман аҳоли бандлиги қўмаклашиш марказининг ахборотига кўра, ушбу корхонада белгиланган заҳира бўйича бирорта ишчи қабул қилинмаганлиги ҳам маълум бўлди.

Шимолий кон бошқармасидаги мансабдор шахслар нимагадир мазкур иш ўринлари борлигига қарамасдан, Н.Жумабоевага рад жавобини берган. Суд мазкур масалани ўрганиб, даъво қаноатлантиришни лозим топди ва Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармаси мутасаддилари зиммасига фуқаро Н.Жумабоевани ишга қабул қилиш мажбуриятини юкланди.

Шунингдек, Шимолий кон бошқармасидаги мансабдор шахс фуқаронинг ҳақ-хуқуқини камситишчи гайриқонуний хатти-ҳаракати учун давлат фойдасига давлат божи тўлашга мажбур бўлди.

Отабек УЛУГОВ, Учқудуқ туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

Куложа айтилганган гаплар

ПЎЛАТ Сиддиқович (исм-шарифлар ўзгартirilган) раҳбар. Ўз хонасига ўринбосари Нусрат Холдоровични чақиради. (У хонага кириб келади).

— Нусрат Холдорович, аҳволингиз яхшими? Уйдагилар қалай?
— Раҳмат.
— Сиз ҳам елиб-югурдингиз. Режаларимизнинг баҳарлишида катта ҳиссангиз бор.
— Эътироф учун раҳмат.
— Сизни ўзимга яқин тутиб қақирдим. Яқинда кичгина юбилейча ўтказмоқчимиз. Янгангиз билан келишдик. Катта неварам бир йилдан сўнг мактабга боради. Унинг хатна тўйини ҳам қўшиб ўтказасан. Яна 2 кундан сўнг.
— Яхши. Менга нима хизмат Пўлат Сиддиқович?
— Энди ўзимга нуқулай бўлиб турибди. Тизимга тегишли раҳбарларни тўғай айтсангиз, менинг номимдан. Улар янгангиз олдида уялтирмас. Банк бошлиги, нефть боза директори, газининг бошлиги ёддан чиқмасин.
— Ҳўп. (У ўз хонасига кириб кетди).

2 кундан сўнг Пўлат Сиддиқовичнинг юбилейи ва неварасининг хатна тўйи бўлиб ўтди. Пўлат Сиддиқовичнинг кайфияти яхши.
Тўйнинг эртаси 3-4 нафар казо-казолар раҳбарининг уйига келишди. "Хорманг" қилиб келайлик, деб.
Не кў билан кўрсинки, раҳбарнинг уйи "жанг" майдонини эслатарди. Келганлар ҳайрон қолди.
Шунда раҳбарни қўшниси чиқиб қолди. — Катта қани?, суради — меҳмонлар.
— Эшитмадингизми? Қўшни туманга бошлиқ бўлиб кетди. Кечаси "срочный" кўчиб кетишди.
Улар лаб тишлаб қолди.
— Кечаги тўйда қанча тўёна бердингиз? — деб сўради банкир нефть базасининг директоридан.

Тўёна ПОРАМИ?

Ёки...

Банкир бош бармоғини кўрсатди. Сўнг 1 та "қўки"дан, — деди.
— Сиз-чи?
— Мен ҳам 1 та, — деди нефть базасининг директори. Сўнг икковлон ҳам жимиб қолди.

Бундай ҳоллар кейинги пайтлар одадий тусга айланиб қолди. Айрим соҳа раҳбарлари тўй, юбилей баҳоналарида пора йлғишининг йўлини қилмоқда.

Сарвар СУЛТОНОВ, тадбиркор:
— Энг улуг қадимий анъаналаримиз нимагадир бошқача тус олмоқда. Айрим жойларда тўйлар, юбилейлар пора олишининг усулларига айланмоқда. Айниқса, айрим катта раҳбарлар орасида. Тўёна — ўз номи билан тўёна бўлиши керак. Чин дилдан.

Гўзал УСМОНОВА, ўқитувчи:
— Тўёна никоьбда айрим аёллар ҳам ўз раҳбарларига пора бермоқда. Буни баъзи аёллар дастурхон пули, деб никоьблаб олишган. Яқинда мактабимиз директори Сурайё Султонова ўғлини уйлантирди. Айрим аёллар бир миллион сўмгача дастурхон пули беришди.

Лобар ТўРАЕВА, шифокор:
— Яқинда бошлигим Лола Рўзиева юбилейини ўтказди. Айримлар ўз жойида қолиши учун тўёнани банд қилишди.

Улуг анъаналаримиз коррупцияга йўл очмаслиги керак.
"Тўёна" нима? Айримлар учун ёки никоьбаги порами? Бу ҳақда сизнинг ҳам бизга айтар гапингиз бордир.

Зайинддин МАМАДАЛИЕВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлиқ субъектларини рўйқатдан ўтказиш инспекциясида 13.03.2019 йилда 000791-01 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 23-мава, Катта Хиронтепа кўчаси манзилда давлат рўйқатидан ўтган "FUTURE REAL ESTATE" маъсулияти чекланган жамияти (СТПР 303 258 277) тасъисининг 2019 йил 21 февралдаги йилгиши қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қабул қилинади.
Тел.: (99) 846-91-08.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлиқ субъектларини рўйқатдан ўтказиш инспекциясида 14.12.2015 йилда 006777-01 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, А.Тоқмоқ кўчаси, 67-уй манзилда давлат рўйқатидан ўтган "NUR ANNABEK HOLDING" хусусий корхонаси (СТПР 303 305 572) тасъисининг 2019 йил 21 февралдаги қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қабул қилинади.
Тел.: (99) 846-91-08.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 03.04.2018 йилда 599199 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 4-топ Чақоний кўчаси, 1-уй манзилда давлат рўйқатидан ўтган "CRACKERS" хусусий корхонаси (СТПР 305 454 744) тасъисининг 2019 йил 22 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қабул қилинади.
Тел.: (99) 830-33-88.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман "Ягона дарча" марказида 07.04.2017 йилда 504217 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Ибрат кўчаси, 65-уй манзилда давлат рўйқатидан ўтган "ANNA SERVICE" маъсулияти чекланган жамияти (СТПР 304 807 787) тасъисининг 2019 йил 16 февралдаги йилгиши қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қабул қилинади.
Тел.: (97) 155-99-79.

Оқиб "STROYGOROD" ҳудудидан 2-блоч, 1-қават, 212-дўкон манзилда давлат рўйқатидан ўтган "ABDUL 77 TRADE" хусусий корхонаси (СТПР 306 119 613) тасъисининг 2019 йил 21 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қабул қилинади.
Тел.: (94) 663-34-97.

Сертепи туман Давлат хизматлари маркази (Сертепи тумани, Обихайт кўчаси, 3а-уй) томондан 2017 йил 2-июлда 522870-сонли реестр рақами билан давлат рўйқатига олиниган "MASTEX" ЖК манзили Сертепи тумани, Сертепи й мавзеи, 18-уй, 43-қондан (СТПР 304 924 469) тасъисининг 2019 йил 19 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қорхона пошта манзили бўйича қабул қилинади.
Тел.: (99) 488-82-82.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 10.02.2019 йилда 684448 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Уриқор маъзеи, ТХАУ "Oziq-ovqat Standart Karton" ОК "STROYGOROD" савдо маъмузи, 2-блоч, 1-қават, 190-дўкон манзилда давлат рўйқатидан ўтган "GOLOM JAOXOY" ЖК манзили Сертепи тумани, Сертепи й мавзеи, 80-уй, 30-қондан (СТПР 305 306 119 684) ягона тасъисининг 2019 йил 18 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қабул қилинади.
Тел.: (99) 906-22-85.

Анджон вилояти адлия бошқармасининг 2019 йил 12 февралдаги 62-уй-сонли йилгиши қарорига асосан 2011 йил 17 майда берилган АН №001014-сонли лицензия эгаси Анджон шаҳридаги "Адокат" адвокатлик фирмаси адвокат Гафуров Уттир Асдуллоевич адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқини беруви лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик маркази тўғтилди.

Фарғона шаҳар "Амударё" адвокатлар ҳайъати адвокати Гулнора Эршова (лицензия №01.2019 йил, №1800026), адвокатлик тўғулмоқчи №467, 05.01.2017 й.), адвокатлик фирмасидан чиқилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Судлар Олий Кенгашининг 2019 йил 5 январдаги СОҚ-592-Й-сонли йилгишига асосан, Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13-моддаси 1-қисмининг 1-бандига қараб йилгиши адлия бошқармасининг 2019 йил 18 январдаги 24-уй-сонли йилгиши асосан адвокатлар У.Эршова, Г.Ойдилова, Д.Акрамова ҳамда Б.Тавқаловлар адвокатлик фаолияти билан йилгиши қилиб бўлишлари, адвокатлик марказига, судьялик лавозимига тўғилганлиги сабабли — маъзур иш даврига қадар тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 1 ой мўбайида қабул қилинади.
Тел.: (97) 400-24-21.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 10.02.2019 йилда 684449 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Уриқор маъзеи, ТХАУ "Oziq-ovqat Standart Karton" ОК "STROYGOROD" савдо маъмузи, 2-блоч, 1-қават, 190-дўкон манзилда давлат рўйқатидан ўтган "GOLOM JAOXOY" хусусий корхонаси (СТПР 306 119 684) ягона тасъисининг 2019 йил 18 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 1 ой мўбайида қабул қилинади.
Тел.: (99) 488-82-82.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 10.02.2019 йилда 684448 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Уриқор маъзеи, ТХАУ "Oziq-ovqat Standart Karton" ОК "STROYGOROD" савдо маъмузи, 2-блоч, 1-қават, 190-дўкон манзилда давлат рўйқатидан ўтган "GOLOM JAOXOY" хусусий корхонаси (СТПР 306 119 684) ягона тасъисининг 2019 йил 18 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қабул қилинади.
Тел.: (99) 906-22-85.

Адвоник вилояти адлия бошқармасининг 2019 йил 12 февралдаги 62-уй-сонли йилгиши қарорига асосан 2011 йил 17 майда берилган АН №001014-сонли лицензия эгаси Анджон шаҳридаги "Адокат" адвокатлик фирмаси адвокат Гафуров Уттир Асдуллоевич адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқини беруви лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик маркази тўғтилди.

Фарғона шаҳар "Амударё" адвокатлар ҳайъати адвокати Гулнора Эршова (лицензия №01.2019 йил, №1800026), адвокатлик тўғулмоқчи №467, 05.01.2017 й.), адвокатлик фирмасидан чиқилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Судлар Олий Кенгашининг 2019 йил 5 январдаги СОҚ-592-Й-сонли йилгишига асосан, Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13-моддаси 1-қисмининг 1-бандига қараб йилгиши адлия бошқармасининг 2019 йил 18 январдаги 24-уй-сонли йилгиши асосан адвокатлар У.Эршова, Г.Ойдилова, Д.Акрамова ҳамда Б.Тавқаловлар адвокатлик фаолияти билан йилгиши қилиб бўлишлари, адвокатлик марказига, судьялик лавозимига тўғилганлиги сабабли — маъзур иш даврига қадар тўғтилди.

Навоий вилояти адлия бошқармасининг 2019 йил 6 февралдаги 27-уй-сонли йилгиши асосан адвокат Умаров Лағас Маълукович "BAKS-NAVOIY" адвокатлик ҳайъатидан (2016 йил 30 декабрь кундан бошлаб йилгиши ўзгариштирилган) чиқилиши мўносати билан йилгиши қилиб бўлишлари, адвокатлик марказига, судьялик лавозимига тўғилганлиги сабабли — маъзур иш даврига қадар тўғтилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2019 йил 29 январдаги 40-уй-сонли йилгиши асосан Самарқанд шаҳридаги "ART DEFENDER" адвокатлик фирмаси ва адвокат Қўшир Софий Хўдоннаёвнинг адвокатлик тўғулмоқчи бўлиши мўносати билан йилгиши қилиб бўлишлари, адвокатлик марказига, судьялик лавозимига тўғилганлиги сабабли — маъзур иш даврига қадар тўғтилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2019 йил 29 январдаги 40-уй-сонли йилгишига асосан Самарқанд шаҳридаги "СОМЛС" адвокатлик ҳайъати адвокатни Кўшир Софий Хўдоннаёвнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши мўносати асосан Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13-моддасига асосан 2019 йил 15 январда ушбу ишнинг адвокатлик маркази тўғтилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг Президентининг" "Адвокатура институти самовоздорлигини таъминлаш ва адвокатликнинг муштариликни кенгайтириш чора-тадбирларини тўғрисида" 2018 йил 12 майдаги №6-5441-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирларини тўғрисида"ги 675-сонли фармони ҳамда 2019 йил 6 мартдаги 60-сонли қарор билан тасдиқланган "Адвониклик фаолиятини янгилаштириш тўғрисида"ги Низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 февралдаги 19-А-сон ва 20-А-сонли йилгишига асосан адвокат Бақирмурод Бақирова — 2019 йил 12 февралдаги "Фурқат ва инсондор" жамияти "Маънавият ва инсондор" шўъраси раёсати кўрсаткичи бўлган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқини беруви №2. №001010-сонли лицензия ҳамда №099 рақами билан Ўзбекистон Республикаси ҳайъати раъсмайликлари берилганлиги маълум қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 январдаги 70-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқини Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини таъминлаш ушбу чора-тадбирлари қараб"ти қарорига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 10 августдаги 273-уй-сонли йилгиши билан тасдиқланган "Давлат хизматлари марказларига жамият ва қорхона шашларига иштиний пулике хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан, Давлат хизматлари агентлиги томонидан туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари билан давлат-хусусий ширкатлар асосида реаллаш хизматларини кўрсатиш учун реаллаш фаолияти билан шуғулланиши тадбиркорлиқ субъектларини таъкирот таъкирлари қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Уриқор маъзеи, ТХАУ "Oziq-ovqat Standart Karton" ОК "STROYGOROD" савдо маъмузи, 2-блоч, 1-қават, 190-дўкон манзилда давлат рўйқатидан ўтган "GOLOM JAOXOY" хусусий корхонаси (СТПР 306 119 684) ягона тасъисининг 2019 йил 25 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қорхона пошта манзили бўйича қабул қилинади.
Тел.: (97) 343-3-39.

Сертепи туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сертепи тумани, Обихайт кўчаси, 3а-уй) 2018 йил 22 майда 510280-сонли реестр рақами билан давлат рўйқатига олиниган "TOSHNEK CONSULTING BUSINESS" МЖК манзили Сертепи тумани, маъзеи Стратель, дом 9, ва (СТПР 303 531 745) тасъисининг 2019 йил 25 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қорхона пошта манзили бўйича қабул қилинади.
Тел.: (99) 318-55-88.

Сертепи туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сертепи тумани, Обихайт кўчаси, 3а-уй) 2018 йил 22 майда 509272-сонли реестр рақами билан давлат рўйқатига олиниган "MIF AZIZ BROKER" МЖК манзили Сертепи тумани, Зибко 3-топ кўчаси, 5-уй (СТПР 305 963 878) тасъисининг 2019 йил 25 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тўғтилди.

Даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мўбайида қорхона пошта манзили бўйича қабул қилинади.
Тел.: (99) 877-21-71.

Машхур ёзувчиларнинг ХЕЧ КИМГА ТАНИШ БЎЛМАГАН одатлари



— БИРИНЧИ бўлиб тахаллус остида ижод қила бошлаган муаллиф юнон комедиографи Аристофан ҳисобланади.



— Кўпчилик уйлаганидек, изкувар (детектив) Шерлок Холмс тимсоли машхур инглиз ёзувчиси Артур Конан Дойлнинг фантазияси маъсули эмас. Аслида Шерлок Холмснинг прототипи 1910 йилда вафот этган Лондон изкувари Филипп Биг ҳисобланади. У шахрнинг энг иқтидорли эксперти бўлиб, ҳаётининг охири 25 йилда Лондондаги барча энг йирик жиноятлари очиб берган.



— Волтер бир вақтнинг ўзига бир неча асарни ёзиш қобилиятига эга бўлган. Унинг тугалланмаган асарлари одатда стол ёки пиюпитр (ноталар ёки китобларни оқиб қўйишга мўлжалланган қиз рамка) устига ёйиб қўйилган бўларди. Узининг иш столига яқинлашар экан, Волтер нима ёзишини билмас эди, “трагедия”ми, “роман”ми ёки “поэма”? У айна пайтдаги қабрига қараб, маълум қўлзamani олар ва ишчини давом эттирар эди.



— Ёзувчи Оноре де Бальзак ҳар сафар янги асар ёзишдан олдин бир-икки ой муддатга ўз хонасига қамалиб олар экан. Ёзувчи пардаларни ёруғлик қирмайдиган даражада маҳкам ёлиб олар ва уй халатига бурканиб олиб, шам ёруғида ишлаган. Бальзак кунига 18 соат ишлар ва бу вақт давомида унга кун ва туннинг фарқини билмаслик муҳим эди.



— Фантаст ёзувчи Жюл Верннинг 20 минг асар ҳақидаги маълумотни ўз ичига олувчи шахсий картотекаси бўлган. Ёзувчи куннинг катта қисмини илмий адабиёт билан танишиб чиқишга сарфлаган.



— Буюк поляк ёзувчиси Адам Митокевич фантаст ёзувчи бўлгани ҳаммага ҳам маълум эмас. Митокевич 1829-1850 йилларда Парижда “Келажакнинг тарихи” асарининг тўртта нусхасини яратди. У машхур фантаст ёзувчилар Жюл Верн ва Герберт Уэлслардан анча илгари келажакнинг турли-туман ихтиролари ҳақида тасавури бўлган: масалан, ёзувчи камин олдида ўтирган ҳолда шахрнинг бирон концерт залида бўлаётган концертни эшитиш имконини берувчи акустик асбоблар ҳақида ёзган. Ер аҳли учун узоқ сайёралар жонзотлари билан алоқа боғлайдиган механизмлар тасвирлаган.

ИТЛАРГА ВОВУЛЛАШ ТАҚИҚЛАНДИ

ФРАНЦИЯ шимолидаги Фёкер шаҳри мэри маҳаллий итларга баланд овозда вовуллашни тақиқлади.

Бу тақиқ шаҳар кенгаши томонидан маъқулланган бўлиб, янги қондани бузган итларнинг эгалари 68 евро миқдорда жарима тулашларига тўғри келади.

Фёкер мери айрим кучуқлар кун давомида вовуллаб, аҳолининг тинч ҳаётига халал бергани учун шундай тақиқ қўйиш зарурлигини таъкидлаган.

Хайвон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар бундан норозилигини билдирган. Мэр эса итларга қарши ҳеч қандай адовати йўқлигини, уларнинг ҳар бир вовуллаши учун эгаларини жаримага тортмаслигини таъкидлаган. Фақатгина қўшчилар бундан шикоят қилсагина жарима белгиланишини айтган.

Ҳаммаси Фёкерда яшовчи аёлнинг уйидаги бир неча итларнинг доимий вовуллашидан норози бўлган аҳолининг шаҳар расмийларига чора кўришни сўраб петиция имзолаганидан бошланган. Мэр шаҳар кенгашидаги ҳамкасблари билан бирга аёл билан бир неча марта гаплашиб олишга уринган, аммо бунинг илоҳи бўлмаган.

Хайвон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар ҳудди шундай баҳона билан черков кўнгируқларининг чалинишига тақиқ ўрнатиш мумкинлигини, итларга жағ вовуллаш учун ато этилганини айтиб, шаҳар расмийларини судга бермоқчи.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ГАДЖЕТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ ТАҚИҚЛАНДИ

Россия Давлат Думаси ҳарбийларга ОАВ ва интернетта хизматта доир маълумотларни жойлаштиришни тақиқловчи қонун қабул қилди.

Қонун муаллифларига кўра, ҳарбий хизматчилар ўзга мамлакатлар махсус хизматлари, турли террорчи ва экстремистик гуруҳлар учун қизиқиш уйғотиши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларни, жумладан, фото ва видео материалларни ҳамда хизматта доир бошқа маълумотларни тарқатишни тақиқлайди.

Ушбу тақиқлар барча ҳарбийлар учун жумладан, вақтинчалик йиғинларга жамланганлар учун ҳам тааллуқли. Шу билан бирга ҳарбий хизматчиларга ўзлари билан фото ва видеога олувчи ҳамда маълумотларни интернетта узатувчи ҳар қандай электрон гаджетлар олиб юриш тақиқланади.

Думанинг Мудофаа қўмитаси раиси Владимир Шаманов сўзларига кўра, ушбу чоралар ҳарбийларнинг шахсий ҳафсизлигини ҳамда армиянинг умумий ҳафсизлигини таъминлашга қаратилган.

Интернет материаллари асосида
Мирлазиз АКБАРОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА

Ҳурматли тadbиркорлар!

“АСАКА” БАНК

бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш
учун қуйидаги хорижий банкларнинг
кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар
таклиф этади:

- Коммерцбанк А.Г. (Германия);
- КФВ Ипекс Банк (Германия);
- Ландесбанк А.Г. (Германия);
- Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки;
- Хитой Халқ Республикаси ICBC Банки;
- Хитой Халқ Республикаси Давлат Тараққий Банки;
- Халқаро Тикланиш ва Тараққий Банки — “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида;
- Корея Республикаси Эксимбанки;
- Туркия Республикаси Эксимбанки;
- Халқаро Тараққий Агентлиги — “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида.

“АСАКА” БАНК — тadbиркорлик
тараққийнинг мустаҳкам таянчи!

Маълумот учун телефонлар: (78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24,
120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган



МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjuz.uz

Бош
муҳаррир

Кўчкор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерад Миржалоевич
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи
Испом
Ибодуллаев

Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур
Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” наشريёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ЎЗА
суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 12031
Буюртма — V-3161
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпириш — 21:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.
Сайлиноҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси келтирилган нархда

1 2 3 4 5